

Апелляция иши 1-1117-2001/81
Маърузачи судья: С.Умаров

Биринчи инстанцияда ишни кўришда
раислик қилган судья: Х.Акбаров

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ

PDF ПРИМИ

2020 йил октябрь ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: С.Умаров,

ҳайъат судьялари: Б.Розиқов ва Х.Бердикличевдан иборат таркибда, У.Фароҳиддиновнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ф.Умаров, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Мансуровнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2020 йил 8 августдаги [REDACTED] га нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи [REDACTED] томонидан берилган апелляция шикоятини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2020 йил 8 августдаги ҳукмига кўра:

1990 йил 26 февралда Тошкент вилоятида туғилган, миллати козоқ, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, уйланмаган, ишламаган, муқаддам жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2014 йил 3 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 2-қисми “г” банди, 164-моддаси 3-қисми “в” банди ва 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59,60-моддалари тартибида 12 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2018 йил 22 июндаги ажримига кўра, ўталмасдан қолган 3 йил 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2019 йил 22 ноябрдаги ажримига кўра, ўталмаган 2 йил 5 ой 9 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ЖКнинг 46-моддасига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2020 йил 7 майдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган



1 йил 11 ой 25 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, [REDACTED]

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)
[REDACTED] ҳудда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2020 йил 8 июндан қамоқда сақланётган, айблов хулосаси нусхасини 2020 [REDACTED] 25 июнда олган - [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси Ж [REDACTED] 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 6 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ, жазони ўташ муддати 2020 йил 8 июндан бошлаб ҳисоблаш белгиланган.

Судланувчи [REDACTED] дан жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 2.000.000 сўм, жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 400.000 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] 2020 йил 29 май куни В.Якимованинг яшаш хонадонига кириб, хонадон ётоқхонасида бўлган 1 дона баҳоси 700.000 сўмлик “DAEWOO” русумли телевизор, 1 дона баҳоси 250.000 сўмлик DVD плеер, 1 дона баҳоси 500.000 сўмлик тана хароратини ўлчаш мосламаси (танометр), 1 дона баҳоси 50.000 сўмлик электр токини улаш мосламаси (резетка), 1 дона баҳоси 1.200.000 сўмлик чангютгич, 1 дона баҳоси 50.000 сўмлик хўжалик сумкаси, 1 дона баҳоси 400.000 сўмлик аёллар сумкаси ва унинг ички қисмида бўлган [REDACTED] нинг жияни [REDACTED] га тегишли бўлган, Чирчиқ давлат педагогика институти томонидан берилган К-170588 рақамли талабалик гувоҳномасини яширин равишда талон-торож қилиб, [REDACTED] га жами бўлиб 3.150.000 сўм миқдорида моддий зарар етказган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойдан яширинган.

Олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида, [REDACTED] нинг яшаш хонадонидан, ўғирлик йўли билан қўлга киритган [REDACTED] га тегишли 1 дона тана хароратини ўлчаш мосламаси (танометр), 1 дона электр токини улаш мосламаси (резетка) ва [REDACTED] дан 1 дона “DAEWOO” русумли телевизор, 1 дона DVD плеер ашёвий далил тариқасида олинган.

Бундан ташқари, [REDACTED] ўзининг жиной ҳаракатларини давом эттириб, 2020 йил 29 май куни соат 16⁰⁰ ларда З.Баратованинг хонадонига кириб, хонадон ҳовли қисмида бўлган 1 дона баҳоси 600.000 сўмлик “VERBA” русумли велосипедни яширин равишда ўғирлаб, сўнг Р.Рафиковга 150.000 сўмга сотиб юбориб, З.Баратовага жами бўлиб 600.000 сўмлик моддий зарар етказган.

Олиб борилган тезкор қидирув тадбирлари натижасида, А.Сағдуллаевдан З.Баратовага тегишли бўлган 1 дона “VERBA” русумли велосипед холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.



Судланувчи [REDACTED] апелляция шикоятда, ўз айбига тўлик икдорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, оғир оилавий шароити ҳақида важлар келтириб, судга нисбатан ЖКнинг 50-моддасини қўллаб энгиллик беришни сўраган.

Апелляция инстанция судлов ҳайъати, судья С.Умаровнинг маърузасини, прокурор Ф.Ум [REDACTED]нинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, судланувчи [REDACTED] ва адвокат Б.Мансуровнинг апелляция шикоятини қувватлаб, уни қ [REDACTED]тириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоят важларини жиноят и [REDACTED]жжатлари асосида текшириб, муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Судланувчи [REDACTED]нинг айби, унинг ўз қилмишига тўлик икдор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари билан, шунингдек дастлабки тушунтриш хатлари, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, ашёвий далилни олиб қўйиш, юзлаштириш, нарсани таниб олиш, нарсани кўрсатиш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадвал ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлик риоя қилинган ҳамда, суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида ЖПКнинг 95-моддаси тартибда баҳоланган далиллар билан асослантирилиб, иш бўйича аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан тўла ва ҳолисона текширилган ҳолда [REDACTED]нинг хавфли рецидивист бўла туриб такроран ўғирлик содир этишда ифодаланган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан, шунингдек муҳим шахсий ҳужжатни эгаллашда ифодаланган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Апелляция инстанция судлов ҳайъати, судланувчи [REDACTED]нинг апелляция шикоятдаги, жазони энгиллаштириш ҳақидаги важларини муҳокама қилиб, ушбу важлар билан келиша олмади, чунки биринчи инстанция суди [REDACTED]га нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг тушунтришларига риоя қилган ҳолда, унинг шахсини, айбига тўлик икдорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, шу билан бирга муқаддам судланган бўлиб, жазо ўташ даврида яна қасддан янги жиноят содир этганини ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва бошқа жазони оғирлаштирувчи ҳамда энгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, қилмишига яраша жазо тайинлаган.



Апелляция инстанция судлов ҳайъати, [REDACTED] га нисбатан чиқарилган суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди ва судланувчи [REDACTED] томонидан берилган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, [REDACTED] судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁸-моддаларига амал қилиб,

А Ж [REDACTED] Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Юқоричирчиқ туман судининг 2020 йил 8 августда [REDACTED] га нисбатан чиқарган ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:	(имзо)	С.Умаров
Ҳайъат судьялари:	(имзо)	Б.Розиқов
	(имзо)	Х.Бердикличев

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

